

Список источников и использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан о стратегии "Узбекистан — 2030" от 11 сентября 2023 г., № УП-158
2. Указ Президента Республики Узбекистан "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы" от 28 января 2022 г., № УП-60
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сонли Қарори
4. Сирожиддинов Н. Пути интеграции экономики Узбекистана в мировое хозяйство: поиск оптимальных вариантов. //Халқаро муносабатлар, 2020, №3-4, 29-40 бетлар.
5. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ. / Под ред. и с предисловием В. Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993.
6. Левитт Т. Динамика конкурентного преимущества: создание и поддержание стратегии. 1965. Harvard Business School Press, Boston, Massachusetts, USA
7. Walter G. Competitiveness: a General Approach// RECEPT's Reports. 2004. № 2.
8. Линдерт П.Х. Экономика мирохозяйственных связей. /Перевод с англ. Общ. ред. Иванова О.В. - М.: Прогресс, 1992.
9. International economics: theory and policy / Paul R. Krugman, Maurice Obstfeld. - 7th ed. HF1359.K78 2006.
10. Guerson, A. Parks, J. Torrado, M. (2007) Export Structure and Growth: A Detailed Analysis for Argentina// World Bank Policy Research Working Paper Series №
11. Юсупов А.С. Ташқи савдо рақобатбардошлигини ошириш стратегияси. Илмий монография. - Т.: «PRINTUZ», 2020. - 214 б.



**ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ
ШАРОИТИДА НОТАРИФ ТЕХНИК ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Исмаилова Нилуфар Сабитджановна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

"Жаҳон иқтисодиёти" кафедраси доценти

Иқтисод фанлари номзоди, доцент

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a61

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган товарларнинг экспорт фаолиятини ривожлантиришда, айниқса, савдо қилувчи мамлакатларнинг нотариф чоралари, техник жиҳатдан тартибга солиш чоралари, янги бозорларга чиқиш ёки янги маҳсулотларни етказиб бериш соҳасида муайян тўсиқлар қўриб чиқилган, уларнинг ечими бўйича тегишли тартибда хулоса ва таклифлар берилган.

Калим сўзлар: товарлар экспорт ва импорти, Жаҳон савдо ташкилоти, нотариф усуллар, техник тўсиқлар, техник регламентлар, стандарт ва сертификатлаш, халқаро стандартлар.

**ТЕКУЩИЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УСТРАНЕНИЯ
НОТАРИАЛЬНО ЗАВЕРЕННЫХ ТЕХНИЧЕСКИХ БАРЬЕРОВ В КОНТЕКСТЕ
ИНТЕГРАЦИИ ЧАСТНОГО СЕКТОРА В МИРОВОЙ РЫНОК**

Исмаилова Нилуфар Сабитджановна

Доцент кафедры "мир экономики"

Ташкентского государственного экономического университета,

Кандидат экономических наук, доцент

Аннотация. В данной статье рассмотрены определенные препятствия в развитии экспорта товаров из Республики Узбекистан, особенно в области нотариальных мер торговых стран, мер технического регулирования, выхода на новые рынки или поставок новой продукции, сделаны выводы и предложения в порядке их решения.

Ключевые слова: экспорт и импорт товаров, Всемирная торговая организация, нотариальные методы, технические барьеры, технические регламенты, стандарт и сертификация, международные стандарты.

CURRENT AND INSTITUTIONAL AREAS OF ELIMINATION OF NOTARIZED TECHNICAL BARRIERS IN THE CONTEXT OF INTEGRATION OF THE PRIVATE SECTOR INTO THE WORLD MARKET

Ismailova Nilufar Sabitdjanovna

Associate Professor of the department "World of Economics"
Tashkent State University of Economics, PhD

Annotation. In this article, certain obstacles in the development of the export of goods from the Republic of Uzbekistan, especially in the field of notarial measures of trading countries, technical regulatory measures, entering new markets or supplying new products are considered. Conclusions and suggestions are given in the appropriate order to their solutions provided below.

Keywords: export and import of goods, World Trade Organization, notarial methods, technical barriers, technical regulations, standard and certification, international standards.

Кириш. Шиддат билан ривожланиб бораётган технологиялар ва гипер рақобат таъсирида ўзгариб бораётган жаҳон бозори мамлакатлар иқтисодиётининг кучли диверсификациялашувини келтириб чиқарди. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) норматив ҳуқуқий ҳужжатлари таъсирида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тариф сиёсати тартибга солиниши билан биргаликда мамлакатлар ўз савдо сиёсатининг нотариф усуллари орқали жаҳон бозорига таъсир кўрсатмоқда.

Нотариф усулларнинг миқдорий, молиявий ва яширин кўринишларига асосланган юздан ортиқ воситалари ривожланаётган мамлакатлар савдоси учун протекционизм, ривожланган мамлакатлар учун эса кучли саноат сиёсатининг капитализациясини вужудга келтирди.

XXI асрдаги жаҳон савдосининг энг асосий масалаларидан бири нотариф тўсиқларни юмшатиш асосида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги савдо зиддиятларини хал қилиш бўлиб қолди.

Экспортга йўналтирилган ривожланаётган иқтисодиётга эга ва транспорт-логистика жиҳатдан йирик экспорт бозорларидан узоқда жойлашган мамлакат сифатида Ўзбекистон қатъий эркин ва очиқ савдо тарафдори ҳисобланади. Мамлакатимиз "GSP+" лойиҳасида бенефициар мақомини олгандан ва ЖСТга аъзо бўлиш учун фаол чоралар кўрилганидан сўнг экспортчилар учун тариф юкламаси сезиларли даражада камайди. Айниқса, тарифлар аста-секин пасайтирилгач ёки бекор қилингач, нотариф чораларни бартараф қилиш Ўзбекистон ташқи савдо сиёсатининг асосий масалаларидан бирига айланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий фанлар асосчиси Адам Смит меркантилизм назариясини қаттиқ танқид

остиға олади. У ва унинг давомчилари эркин савдо халқаро савдо иштирокчиларининг барчаси учун муҳим ва фойдалидир, аммо хўжалик юритиш жараёнларига давлатнинг фаол аралашуви мамлакат иқтисодиёти учун зарарли эканлигини таъкидлашади [1].

Мутлақ ва нисбий устунлик назарияси каби халқаро савдонинг классик назариялари, одатда, тарифларнинг (импорт ва экспорт солиқлари) ролига эътибор қаратади ва эркин савдо позициясини таъкидлайди. Бироқ бу халқаро савдога таъсир қилиши мумкин бўлган тарифсиз чекловларни муҳокама қилишга тўсқинлик қилмайди. Тарифсиз тўсиқлар турли хил чекловларни ўз ичига олади (тўғридан-тўғри тўловлар бундан мустасно) [2].

Иқтисодчи олим Ж.Сакснинг фикрича, «дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдога кўринади. Ҳозирги кунга қадар ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажралган ҳолда соғлом иқтисодиётни ҳосил қила олгани йўқ». Халқаро савдо оқими ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертил Олин ўз қарашларида акс эттириб, "у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашиши уларнинг ишлаб чиқариш омилларига эгалик даражасига боғлиқдир" деган хулосага келишган ва улар «нархларни ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш» назариясини илгари сурдилар [3]. Ягдиш Н. Бхогвоти маълум бир шароитларда экспортга йўналтирилганликнинг ошиши савдо шароитининг етарлича ёмонлашувига олиб келишлигини, натижада реал даромад пасайиши келиб чиқишлигини исбот қилди [4].

Ю.В.Макогон, Т.В.Орехова таъкидлашича, халқаро савдонинг ривожланиши, биринчи навбатда, экспорт ва импорт савдо кредитларига хизмат кўрсатиш учун халқаро капитал оқимлари кўламининг ошиши билан бирга келади. Иқтисодий ривожланишнинг маълум

бир босқичида капитал ҳаракати инвестиция мотивацияси шаклини олади [9].

С.Öztürk, А.Yildizbaşı фикрича, сўнгги йилларда эътибор қаратилаётган иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорлик тушунчалари ташқи савдо жараёнларининг шаффофлигини биринчи ўринга қўйганлиги сабабли бугунги таъминот занжири жараёнларида ахборот ва маҳсулотнинг кўриниши жуда муҳимдир. Ташқи савдода нотариф техник тўсиқларни бартараф этишда блокчейн технологиясини қўллаш таъминот занжири жараёнларига интеграция қилиш эҳтимолини оширади. Шунинг учун блокчейнни таъминот занжири жараёнларига қўшишни мақсад қилган компаниялар муаммоларни саралашлари ва текширишлари мумкин [10].

К.Е.Maskus ва бошқалар маҳсулот стандартлари ва савдо учун техник тўсиқлар атрофидаги сиёсий мунозара ва услубий масалаларни таҳлилий нуқтаи назардан ўрганган. Бу стандартлар янги эмпирик ишлар учун асос яратишга қаратилган қадам сифатида тақдим этилган. Уларнинг тадқиқотида тўпланган маълумотлар катта аҳамиятга эга бўлиб, якуний мақсад бу маълумотни миллий сиёсатчилар ва халқаро савдо музокарачилари учун фойдали қилишдир [11].

Ушбу олимлар эркин савдо ғоясини турли даражада қўллаб-қувватлаб, унинг иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий фаровонликка ижобий таъсирини асослаб беришди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишимизни ёритишда таққослаш, анализ, синтез, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди. Таҳлилларда мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши ва натижалари ўрганилди, муаммолар ва соҳага оид бошқа бир қатор истиқболли вазифалар таҳлил қилинди. Маълумотлар қиёсий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди.

Таҳлил ва натижалар. Нотариф тўсиқлар экспортчиларнинг бозорга киришини чеклайди, талабларни бажариш бўйича қийин талабларни келтириб чиқаради ва савдо фаолиятидаги харажатларни оширади. Бу тўсиқлар шунингдек, айни пайтда Ўзбекистонда хусусий секторнинг таянчи бўлиб хизмат қилаётган кичик ва ўрта корхоналарга номутаносиб даражада кучли таъсир кўрсатмоқда. Нотариф тўсиқлар ушбу корхоналарнинг

экспорт фаолиятини кераксиз харажатларни ва фақат йирик ёки бой корхоналаргина осон бажара оладиган кўп сонли мураккаб меъёрий талабларни яратиш орқали қийинлаштирмоқда [5].

Ўзбек экспортчилари, кўпинча, мажбурий стандартлар ва мувофиқликни баҳолашнинг турли тартиботлари каби техник талаблар билан боғлиқ қатор қийинчиликлар ва савдо тўсиқларига дуч келмоқдалар. Ўзбекистон ҳозирда кучли ва шаффоф кўп томонлама савдо тизими яратилишини қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон бу тўсиқларни воситалар ва тартиблар ёрдамида кўп томонлама ва икки томонлама даражаларда бартараф этишга интилоқда. Бундан ташқари ЖСТга кириш йўлини танлаган ҳукуматимиз ташқи савдо қоидаларининг бир хиллигини таъминлашни назарда тутмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни доирасида фаолият юритади. Қонуннинг янги таҳрири 2023 йил 28 августда кучга кирганидан сўнг, техник жиҳатдан тартибга солиш тизими сезиларли даражада кучайтирилди. Мазкур қонунни қабул қилишдан асосий мақсад миллий техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ва сертификатлаштириш тартиботларини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштиришдан, шунингдек, экспорт имкониятларини мустақамлаш учун уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашдан иборат [6].

Қонун билан техник регламентларни умумий ва махсус турларга бўлиш амалиёти бекор қилинди, шунингдек, мураккаб техник ҳужжатларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди. Бу ишлаб чиқариш ва импорт қилишдаги техник тўсиқларни камайтиришга хизмат қилади. Аммо маҳсулот хавфсизлигини қатъий таъминлаш тизими ўрнатилди. Қонунда техник регламентларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қўллаш ва қайта кўриб чиқиш тартиби аниқ белгиланган.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг иши кўплаб ваколатли давлат органларининг иштироқи туфайли анча мураккаб ҳисобланади. Ягона ваколатли орган фаолият кўрсатишига қарамай, техник жиҳатдан тартибга солиш ва техник назоратни амалга ошириш жараёни бир нечта давлат ҳокимияти органлари ўртасида тақсимланган. Айни пайт-

да Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида бир хил функцияларни муस्ताқил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимида қирадиган ваколатли органлар фаолиятининг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Ҳукумат, шунингдек, техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари ва техник регламентлар лойиҳаларини тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек, эскирган регламентларни бекор қилади.

Ўз навбатида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт буюмлари, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш жараёнини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик фаолиятида маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини техник жиҳатдан тартибга солиш учун жавоб беради.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги зиммасига табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишда товарлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талаблар соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишни таъминлаш вазифаси юклатилган.

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ўсимлик ва техник экинларнинг уруғлари ва кўчатларининг экспорти, импорти ва транзитини назорат қилувчи орган вазифасини бажаради.

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек, техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, ўлчовларнинг бир хиллигини ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда қўлланилишини таъминлашга оид меъёрий ҳужжатлар каби кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширади. Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш бир-бирини такрорлайдиган, бир-бирига зид бўлган ва эскирган жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди. Шунингдек, барча ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, унификациялаш ва тизимлаштириш зарурати ҳам мавжуд.

Товар ва хизматларни экспорт қилишда агентлик иккинчи даражали ўринга эга, чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сонли қарорига мувофиқ экспорт қилинадиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаш бекор қилинди.

Бироқ экспортчиларнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлаш мақсадида агентлик томонидан стандартларни халқаро аналоглар билан уйғунлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, 2022 йилда агентлик томонидан халқаро талабларга мувофиқлаштирилган 7 763 та стандарт қабул қилинди ва 7 968 та стандарт уларга мувофиқлик юзасидан қайта кўриб чиқилди. Натижада бундай стандартлар сони 19 543 тага ёки барча амалдаги стандартларнинг 80,4 фоизига етди.

Хусусан, қурилиш соҳасида 2 264 та, металлургия соҳасида 833 та, тўқимачилик ва чарм соҳасида 638 та, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида 1 124 та, нефть ва газ соҳасида 1 354 та, электротехника соҳасида 1 467 та, кимё технологиялари соҳасида 1 374 та, озиқ-овқат саноати соҳасида 2 154 та ва бошқа тармоқларда 5 224 та стандарт халқаро талаблар билан уйғунлаштирилди [5].

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида техник регламентлар сони 57 та регламентни ташкил этди. 44 та техник регламент ишлаб чиқилган бўлиб, улардан 11 таси қабул қилинган, 23 таси Ўзбекистон Республикасида ҳали кучга кирмаган. ЕОИИнинг Ўзбекистон Республикасида кучга кирмаган яна 4 та техник регламенти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган.


Ташқи ва ички бозорларга сифатли товарлар етказиб беришни таъминлаш мақсади-

да 14932 та корхонада эталонлар ва ўлчовларнинг мувофиқлигини таъминлаш бўйича профилактика тадбирлари ўтказилди. Профилактика тадбирлари давомида 2741 та корхонада 2154 та ўлчов воситалари давлат қиёслаш синовидан ўтказилди, шунингдек, 1041 та корхонага сертификатлаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, Божхона иттифоқининг техник регламентлари талабларига, Хитой томонидан ипак-жун маҳсулотларига қўйиладиган талабларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштиришда, “ISO 9001:2015” халқаро сифат менежменти тизими жорий этишда кўмак кўрсатилди [6].

Миллий сертификатлаштириш тизимида мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида 133 180

та мувофиқлик сертификати берилди: шундан 922 та мувофиқлик сертификати бир календарь йил муддатга шартнома асосида, 6796 та мувофиқлик сертификати оммавий ишлаб чиқариш учун берилди [6].

Менежмент тизимларини жорий этиш соҳасида 645 та корхонада 1065 та сифат менежменти тизими сертификатлари берилди. Сифат менежменти тизимларини сертификатлаш аккредитациядан ўтган 16 та орган томонидан амалга оширилмоқда. Шунингдек, 72 та корхонага “ОЕКО TEX” сертификати, 6 та корхонага “SEDEX” сертификати бўйича ва 2 та корхонага “BCSI” халқаро стандарти талаблари бўйича маслаҳатлар берилди [6].



1-расм. Экспорт корхоналарига кўрсатилган маслаҳат хизматлари [8]

Экспорт қилувчи корхоналарга 1710 та, шу жумладан, стандартлаштириш масалалари бўйича 669 та, метрология бўйича 92 та, сертификатлаштириш бўйича 311 та, ўраб жойлаш ва тамғалаш бўйича 110 та, сифат менежменти тизими бўйича 383 та ва бошқа масалалар бўйича 145 та маслаҳат хизматлари кўрсатилди. 1193 та корхонага дунёнинг 43 мамлакатига (МДХ, Хитой, Ҳиндистон, БАА, АҚШ, Туркия, Ироқ, Канада, Афғонистон, Покистон, Корея, Германия, Польша, Латвия, Италия, Португалия, Тайвань ва шу кабилар) 85 турдаги маҳсулотларни экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди [8].

Стандартлар ва ўлчовлар бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати соҳасида 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 151 та корхонада давлат назорати ўтказилди. Натижада текширилган 199 турдаги маҳсулот-

нинг 180 таси техник регламентлар талабларига жавоб бермаслиги, 7119 та ўлчов воситалари ва синов ускуналаридан 5148 таси тегишли қиёсловсиз фойдаланилгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда 2827 та тадбиркорлик субъектига талабларга риоя этиш юзасидан кўрсатма хатлари ва материаллар юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида 2023 йил январь-сентябрь ойларида 129303 та мувофиқлик сертификати рўйхатга олинди, сертификатлаштириш органлари томонидан берилган 98841 та мувофиқлик сертификати аккредитациядан ўтказилди.



2-расм. 2023 йилда сифат менежменти тизимини жорий этиш учун тақдим этилган сертификатлар сони [8]

Шундан республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 13284 та мувофиқлик сертификати, импорт қилинадиган маҳсулотларга 116019 та сертификат берилган [8].

Менежмент тизимларини жорий этиш соҳасида 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 871 та корхонада сифат менежменти тизимини жорий этиш учун 959 та сертификат, шу жумладан, сифат менежменти тизимлари (ISO 9001) бўйича 277 та, экологик менежмент тизимлари (ISO 14001) бўйича 50 та сертификат, озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизимлари (ISO 22000) бўйича 24 та сертификат, энергияни бошқариш тизимлари (ISO 50001) бўйича 2 та сертификат, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсизликни бошқариш тизимлари (ISO 45001) бўйича 62 та сертификат ва бошқа менежмент тизимлари бўйича бўйича 546 та сертификат берилди. Сифат менежменти тизимларини сертификатлаш аккредитациядан ўтган 22 та орган томонидан амалга оширилмоқда [8].

Шунингдек, энгил sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 97 та корхонада “ОЕКО-ТЕХ” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1292 та экспортчи корхонага, шу жумладан, стандартлаштириш масалалари бўйича 350 та корхонага, метрология бўйича 161 та, сертификатлаштириш бўйича 272 та, сифат менежменти тизими бўйича 354 та, ўраб-жойлаш ва тамғалаш бўйича 77 та ва бошқа масалалар бўйича 98 та корхонага техник ёрдам кўрсатилди. Натижада 1016 та корхонага 75 турдаги маҳсулотни дунёнинг 40

та мамлакатига экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Халқаро амалиётда техник тўсиқларни кўп томонлама тартибга солиш иқтисодий интеграцион блоклар доирасида ёки турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш орқали амалга оширилади. Ҳозирги вақтда ЖСТнинг “Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битими” ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида техник тўсиқларни адолатли ва тенг ҳуқуқли қўллашни таъминлашнинг ноёб ва универсал асоси ҳисобланади.

Битимга кўра, ЖСТ аъзолари бошқа аъзоларни ўз техник регламентларининг лойиҳалари ва мувофиқликни баҳолаш тартиб-ботлари ҳақида хабардор қилишлари керак. Ушбу қоида барча аъзоларга кўзда тутилган чора-тадбирлар ҳақида олдиндан билиш, уларнинг экспортга кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини баҳолаш ва ЖСТ қоидалари ва тамойилларининг мумкин бўлган бузилиш ҳолатларини аниқлаш имкониятини беради [7].

Икки томонлама шаклда эса мамлакатлар сертификатлар, стандартлар, синов натижалари ва лаборатория таҳлилларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимга эга.

Ўзбекистон МДХ, ШХТ ва ИХТ каби бир нечта халқаро ва минтақавий интеграцион бирлашмаларга аъзо бўлишига қарамай, фақат МДХ доирасида, хусусан, товарлар савдосини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида кенг қамровли иқтисодий ҳамкорлик олиб боради.

1992 йилда МДХга аъзо мамлакатлар томонидан Стандартлаштириш, метрология

ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш (ДК) тузилди. Бу кенгаш ҳамдўстликнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро органи ҳисобланади. ДКнинг олий органи йилига икки марта навбат билан аъзо давлатларда ўтказиладиган аъзолар йиғилишидир.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш органларининг кўплаб саъй-ҳаракатларига қарамай, экспортчилар ўз маҳсулотларини, ҳатто, қўшни давлатларга етказиб беришда ҳам жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. 1992 йилдан бошлаб МДХ доирасида сертификатлар, стандартлар, баҳолаш натижалари ва ўлчовларни ўзаро тан олиш амалиёти қўлла-наётганини ҳисобга олганда, Божхона иттифоқига, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар (*Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон*) Божхона иттифоқи алоҳида иқтисодий макон эканлигини ва иттифоқ ҳудудида фақат унинг регламентлари қўлланилишини асос қилиб, МДХ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимга риоя қилмаяпти.

Оқибатда, кўпгина экспортчилар ушбу мамлакатларга товарларнинг ўз вақтида етказиб берилишини таъминлай олмаяптилар. Айниқса, 2023 йилдан бошлаб, товарларни мажбурий сертификатлашдан ўтказиш шарт эмаслигига ва ўзаро тан олиш тўғрисидаги битим ўз кучида бўлишига қарамай, Божхона иттифоқига аъзо давлатларнинг чегарасида ўзбек товарларини ўз ҳудудига киритишни рад этиш ҳолатлари сезиларли даражада кўпайди.

Икки хил стандартлар, камситишлар ва МДХ қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатларини ҳисобга олиб, экспорт қилувчилар илтимосига кўра, Ўзбекистон органлари мажбурий равишда миллий техник регламентларни Божхона иттифоқи билан уйғунлаштирмоқда. Ўзбекистоннинг ваколатли органлари олдида Божхона иттифоқининг қуйидаги техник регламентлари билан уйғунлаштириш бўйича улкан ишлар турибди. Ушбу иттифоқ томонидан «ISO», «SEDEX», «OEKO TEX», «Global GAP» каби халқаро стандартларнинг тан олинмаслиги вазиятни янада қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистон экспортчилари кўплаб мамлакатларга озиқ-овқат, фармацевтика, тўқимачилик ва электротехника маҳсулотларини экспорт қилишда техник тўсиқларга дуч келмоқда. Техник жиҳатдан тартибга солиш

тизимларининг эгилувчанлиги ва универсаллиги Ўзбекистон маҳсулотларини халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда экспорт қилиш имконини беради. Ўз навбатида, давлат барча харажатларни қоплаш орқали халқаро сертификатларни олиш ва халқаро стандартларни жорий этиш борасида молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон савдосидаги техник тўсиқлар, шунингдек, уларнинг ҳозирги ҳолати, самарадорлиги ва мавжуд тизимли муаммолар батафсил баён этилган. Хусусан, айниқса, техник жиҳатдан тартибга солишда ўзаро тан олишни таъминлаш, халқаро битимлар имкониятларидан фойдаланиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигининг пастлиги, техник тўсиқларни бартараф этиш бўйича аниқ режа ёки дастурнинг мавжуд эмаслиги яққол намоён бўлди.

Таҳлиллар натижаларига кўра қуйидаги асосий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Техник регламентларни, ўзаро тан олиш, мувофиқликни баҳолаш ва савдо тўсиқларини оптималлаштириш механизмларини ишлаб чиқишда ЖСТ усуллари ва воситаларини қўллаш. Мамлакатларни илғор тартибга солиш амалиётини қўллаш ва ноқонуний техник тўсиқларнинг олдини олишга мажбурловчи халқаро қоидалар ва тамойиллар халқаро ва минтақавий ташкилотлар орқали амалга оширилади. Ушбу қоидалар техник тўсиқларнинг халқаро савдога таъсирини камайтиришга ва адолатли, қулай ва барқарор савдо муҳитини яратишга қаратилган. Шунингдек, кўпгина мамлакатлар эркин савдо тўғрисидаги битимлар ёки ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимлар орқали техник тўсиқлар бўйича аниқ мажбуриятларни мувофиқлаштиради. ЖСТ аъзолигига номзод сифатида Ўзбекистон техник тўсиқларнинг савдога таъсирини камайтириш ва тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш учун ЖСТ механизмларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимлар ҳам юкломани енгиллаштириш ва техник тўсиқларни камайтириш имконини беради. Бундай битимлар, одатда, бошқа мамлакатларда ёки аккредитациядан ўтган хусусий ташкилотлар томонидан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини, баъзи ҳолларда эса стандартларнинг эквивалентлигини тан олади. Битимларнинг мақсади мувофиқликни баҳолаш ва турли стандартлар билан боғлиқ савдо харажатларини камайтиришдан иборат.

Техник регламентларни минтақавий иқтисодий бирлашмалар билан уйғунлаштириш орқали кўлам самарасига эришиш. Хорижий ҳамкорни аниқлашда ЖСТ доирасидан ташқарида техник жиҳатдан тартибга солиш ва ўзаро тан олиш бўйича кўплаб битимларга эга бўлган мамлакатларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (GCC) ҳузуридаги Стандартлаштириш ташкилоти (GSO) Форс кўрфази араб мамлакатлари (БАА, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Уммон, Қатар, Қувайт ва Яман) умумий бозорини тартибга солади. Ушбу ташкилот уставига кўра, аъзо мамлакатларнинг ҳар қандай стандартлари ва техник регламентлари бошқа аъзо давлатлар томонидан автоматик равишда тан олинади. Учинчи мамлакатларнинг бозорга киришига рухсат беришда аъзо мамлакатларнинг мустақил эканлигини ҳисобга олиб, юқори истеъмолчилик қобилиятига эга 8 та мамлакат бозорларига кириш имконига эга бўлиш учун аъзо мамлакатлардан бири билан ўзаро тан олиш тўғрисида битим тузиш масаласини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

ЕОИИ Божхона иттифоқининг техник регламентлари бўйича амалиётчи хорижий мутахассислар билан ҳар томонлама ўрганиш ва муҳокама қилиш чоғида кўплаб техник

регламентлар Россия Федерациясининг техник регламентларига яқин эканлиги, баъзи регламентлар эса собиқ СССРга хос тартибга солиш хусусиятларига эга эканлиги аниқланди. Мамлакатларга етказиб бериш учун рухсат олишда муаммолар юзага келмаслиги учун Божхона иттифоқи регламентлари билан уйғунлаштиришни кучайтириш мақсадга мувофиқ, чунки бу кўп куч талаб этмайди ва миллий техник регламентлар тизимини ўзгартирмайди, бунинг эвазига ўзбек товарлари Россия, Қозоғистон, Беларусь, Арманистон ва Қирғизистонга тўсиқларсиз етказиб берилади.

ЕИ ва Туркия ўртасида Божхона иттифоқини тузиш тўғрисидаги битимга кўра, ЕИ бозорига кириш имкониятига эришиш учун Туркия ҳукумати ЕИнинг асосий экспорт товарлари бўйича ҳеч қандай техник жиҳатдан тартибга солиш ва ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимларни тузмаслик мажбуриятини олган. Битим фақат саноат ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан қўлланилади. Иқтисодий ҳамкорлик кун тартибига бошқа маҳсулот турлари бўйича юқорида кўрсатилган тоифаларга кирмайдиган бошқа товарлар учун савдо тўсиқларини соддалаштириш тўғрисида битим тузиш масаласини қўшиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Adam Smith. *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A selected Edition. Edited with an Introduction and Notes by Kathrun Sutherland. Oxford University Press, 1998. – 618 p.*
2. Булатов А.С. *Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2017. – 916 с.*
3. *Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. Муаллифлар жамоаси: Алимов Р.О., Расулев А.Ф., Қодиров А.М. ва Ортиқов А. Дарслик. 2018 йил.*
4. Жалолов Ж., Ахмедов И., Нематов И., Акрамов Т. *Ташқи иқтисодий фаолият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. – 198 б.*
5. Исмаилова Н.С., Шагазатов У.У. *Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: “Ношир” нашриёти, 2019 й. – 320 б.*
6. *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: www.lex.uz*
7. *ЖСТ расмий сайти: www.wto.org*
8. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида шакллантирилди.*
9. *Макогон Ю.В., Орехова Т.В. Министерство образования и науки Украины Донецкий государственный университет.*
10. Öztürk C., Yıldızbaşı A. *Barriers to implementation of blockchain into supply chain management using an integrated multi-criteria decision-making method: a numerical example. // Soft Computing. 2020. T. 24. C. 14771-14789.*
11. Maskus K.E., Wilson J.S., Otsuki T. *Quantifying the impact of technical barriers to trade: a framework for analysis. 2000.*